

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**  
**ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ**  
**293 –СОНЛИ МАЖЛИСИ қарорлари**  
**( онлайн режимда ўтказилган)**

**29 апрель 2020 йил**

**Тошкент шаҳри**

**Қатнашдилар: Раис – проф. Х.А.Акилов ва 77 та кенгаш аъзолари**

**Котиба – доц. Гулямова М.К.**

*Олимлар кенгаши мажлиси онлайн режимда ZOOM платформаси ёрдамида ўтказилди.*

**Кун тартиби**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4666-сонли қарори ижроси тўғрисида. Проф Акилов Х.А.**

**2. Институтда коронавирус пандемиясига қарши олиб борилаётган ишлар ҳолати ҳақида. Проф.Искандарова Г.Т.**

Олимлар кенгаши аъзолари онлайн режимда ўтказилган маърузаларни тинглаб, муҳокама қилиб, қуйидаги қарорлар қабул қилдилар:

1.Ўқув ишлар бўйича проректор М.С.Касимова, илмий ишлар бўйича проректор Ш.Э.Атаханов, факультет деканлари, кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари ва барча ходим ва илмий кенгаш аъзолари:

1.1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги“Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ПҚ-4666-сонли қарорини ижро учун қабул қилсин.

1.2.Мазкур қарорда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази этиб қайта ташкил этиш;

Тошкент шаҳридаги 1-сон Республика клиник шифохонаси негизида Марказнинг кўп тармоқли клиникасини тузиш;

тиббиёт олий таълим муассасалари мавжуд бўлмаган ҳудудларда (Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида) ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида Марказнинг филиалларини очиш;

Марказда 2021 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари ҳисобидан халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув-симуляцион марказини ташкил қилиш;

Марказ Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши;

Марказнинг кўп тармоқли клиникаси муассиси Марказ ҳисобланади ҳамда унинг фаолияти Марказ томонидан мувофиқлаштирилиши;

Марказ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари бир вақтнинг ўзида Марказнинг кўп тармоқли клиникаси бош шифокори ҳисобланиши кўрсатиб ўтилганлиги инобатга олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази тузилмаси ижро учун қабул қилинсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.(проф.Х.А.Акилов)

**Олимлар Кенгаши раиси**

**Х.А. Акилов**

**Олимлар Кенгаши котибаси**

**М.К. Гулямова**